ЎзССР Давлат архиви палатаси
Ин
ЎзССР

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 19 ноябрь, чоршанба • № 92 (10.971) • Эркин нархда сотилади

АНҚАРА УЧРАШУВЛАРИ

АНҚАРА, 18 ноябрь. (ЎзА махсус мухбири Шуҳрат Умиров хабар қилади).

Бугун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов турк халқининг буюк фарзанди Мустафо Отатурк қабрини зиёрат қилди. Мамлакатимиз раҳбари Отатурк қабрига гул қўйиб, унинг музейидаги фахрий меҳмонлар китобига ўз дастхатини битди.

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл қароргоҳида президентлар иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва уни замон талаблари асосида янада кенгайтириш, ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтариш борасида фикр алмашилди.

Музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда божхона, сайёҳлик ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, фан ва технология соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркия қўшма комиссияси тўғрисидаги протокол имзоланди. Ўзбекистон-Туркия муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма Баёнотни президентлар — Ислом Каримов ва Сулаймон Демирэл имзолади. Илгари имзоланган абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, консуллик конвенцияси ҳамда фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартноманинг ратификация ёрлиқлари алмашилди.

Шундан сўнг оммавий ахборот воситалари учун матбуот анжумани бўлди. Унда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтариш ҳақида гап борди. Президентлар музокараларда муҳокама қилинган масалалар бўйича журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримовнинг Туркия буюк миллат мажлиси раиси Ҳикмат Четин, Бош вазир Месут Йилмаз ҳамда "Кочхолдинг" ва Туркия иш банки раҳбарлари билан учрашувлари бўлиб ўтди.

(ЎзА).

ОРЗУ ВА МАҚСАДЛАРИМИЗ – МУШТАРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Самарқанд шаҳри жамоатчилиги билан учрашувда сўзлаган нутқи

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Шарқ жавоҳири, бой тарихимизнинг рамзи бўлган Самарқанд шаҳрида сизларнинг номингиздан «Хиллари Клинтон хоним, Ўзбекистонга хуш келибсиз!» деб такрор-такрор айтишни истардим. Бугун бу ерда ҳозир бўлган барча америкалик дўстларимизга ҳам чин қалбимдан: «Хуш келибсиз!» дейман.

Мен аввало Клинтон хонимга Ўзбекистонга ташриф буюриш учун имконият ва вақт топгани, Бухоро ва Самарқандни кўриш истагини билдиргани учун сизларнинг номингиздан самимий миннатдорлик билдиришни истайман. Мен буни Америка Клинтон хоним сиймосида Ўзбекистонга кўрсатаётган катта ҳурмат ва катта қизиқиш деб биламан.

Биз бу ташрифда Ўзбекистон ва Қўшма Штатларнинг бир-бири билан яқин бўлишга, бир-бирини яхшироқ тушунишга тобора кўпроқ интилаётганини кўриб турганимизни айтмоқчиман. Энг муҳими — мамлакатларимиз бир-бири билан ҳамкор бўлишга, агар жоиз бўлса, ҳар жиҳатдан стратегик ҳамкор бўлишга тобора кўпроқ интилаётганини кўриб турибмиз.

Клинтон хонимнинг, оммавий ахборот воситалари намояндаларининг ҳозир бўлганидан фойдаланиб, Ўзбекистон раҳбари сифатида шу минбардан туриб мамлакатимиз Қўшма Штатлар учун очиқлигини яна бир бор айтмоқчиман. Биз Қўшма Штатларнинг вакиллари Ўзбекистонда кўпроқ бўлишини хоҳлаймиз. Биз АҚШ билан чуқур ва узоқ муддатли ҳамкорликка тайёрмиз.

Мен бу сўзларни кимлар олдида гапираётганимни жуда яхши биламан. Бунда жуда катта маъно бор. Мен бу ерда Қўшма Штатларнинг биринчи хонимигина эмас, ўз ҳаётини инсонпарварлик ғояларига бағишлаган кишини ҳам қутлаб турганимизни айтмоқчиман. Хиллари Клинтон хоним амалга ошираётган улкан ишлар ҳозир бутун дунёда эътироф этилмоқда. Мен унинг барча хизматларини, болаларни ҳимоя қилиш, одамларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, бутун дунёда зўравонлик бўлмаслиги учун, миллати, танининг ранги, диний эътиқодидан қатъи назар, жамиятда барча кишилар ҳақиқий инсон сифатида яшаши йўлида амалга ошираётган ишлари учун Хиллари Клинтон хоним олган барча мукофотларни санаб ўтирмайман.

Мен Клинтон хонимнинг хотин-қизлар ва болалар бахти йўлидаги фаолиятини алоҳида таъкидлайман. У хотин-қизлар,

(Давоми 2-бетда).

БИЗ СИЗЛАР БИЛАН ҲАМКОР ВА ДЎСТ БЎЛИШДАН ФАХРЛАНАМИЗ

АҚШнинг Биринчи хоними Хиллари Клинтоннинг Самарқанд шаҳри жамоатчилиги билан учрашувда сўзлаган нутқи

Ташаккур. Президент жаноблари, сизнинг АҚШ Президенти шаънига айтган илиқ гапларингизни ҳамда унинг Ўзбекистонга ташриф буюриши тўғрисидаги таклифингизни албатта унга етказаман, деб ишонтираман. Бу ўринда унинг мен ўзидан олдин Ўзбекистонга ташриф буюрганимдан бироз афсусланганини ҳам таъкидлашим лозим. Имконият пайдо бўлиши биланоқ у гўзал юртингизга ташриф буюриш ва бу ўлка билан танишиш истагида эканини яхши биламан. Мен бу ташрифнинг албатта амалга ошишига умид билдираман. Сиз ҳамда Каримова хонимга менга сизлар ва халқингиз кўрсатган самимий меҳмондорлик ва иззат-икром учун миннатдорлик билдираман. Бу ерда ўтказган икки ярим куним мобайнида мен Тошкентда жуда кўп соҳаларда ишлайдиган ҳамда бошқа ишбилармон аёллар билан танишиб, улар билан ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар фаолияти борасида фикр алмашдим. Тошкентдаги университет талабалари ҳамда Бухородаги мактаб ўқувчилари билан учрашувларда улар билан инглиз тилида гаплашдим. Қўшма Штатларда амалга оширилаётган ишлар, менинг бу ёшлар ҳамда Ўзбекистон ҳақида фикримни сўраб берган саволларига жавоб қайтардим. Уларга таҳсинлар айтдим. Чунки, мен дунёнинг турли бурчакларида таълим олаётган талабалар билан учрашганман — мен бу гапларни Самарқандда турганим учунгина айтаётганим йўқ — бу гапларни ватанимга қайтиб борганимдан сўнг ҳам такрорлайман — лекин бирон жойда Тошкент ва Бухородаги ёшлар сингари астойдил тайёргарлик кўрган, мазмунли саволлар берган йигит-қизларни учратмаганман.

Мен шунингдек, мамлакатингизнинг қадимий ёдгорликлари билан танишиш шарафига муяссар бўлдим. Шу боис бутун дунё кишиларига бу обидаларни зиёрат қилиш имконини яратиб бергани учун Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари аҳолисига миннатдорлик билдираман. Қадимий ва замонавий Ўзбекистонни ўз кўзим билан кўриш бахтига муяссар бўлганимдан мамнунман.

Бугун эрталаб мен Каримова хоним билан бирга Бухородаги яҳудийлар синагогасига бордим. Яҳудийларнинг бу қадимий жомеъси раввини менга сиз, Президент жаноблари ҳамда сиз бошқараётган ҳукумат дин эркинликлари асосларини қайта тиклаётганингиз ҳамда диний ва маданий тотувликни таъминлаётганингиз ва рағбатлантираётганингизни гапириб берди. Каримова хоним менга совет коммунистик тузуми даврида фуқаролар ўз динларига эътиқод қилиш ҳамда асрлардан буён давом этиб келаётган тўй ёки аза билан боғлиқ урф-одатлар тақиқлаб қўйилгани-

(Давоми 2-бетда).

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

КОРЕЯЛИКЛАР ТУҲФАСИ

ЎТГАН шанба куни Юқоричирчиқ туманидаги "Дўстлик" ҳиссадорлик жамияти ҳудудида жойлашган "Аёлларни соғломлаштириш маркази"да Жанубий Корея билан шифохона жамоаси ҳамкорлигида тузилган "Койка" шартномасининг ижросига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Бу учрашув чоғида Жанубий кореялик вакиллар марказга 140 минг долларлик тиббиёт асбоб-ускуналари ва 2 та енгил машинани расмий равишда топширдилар.

Ноёб тиббиёт ускуналари орасида "Узи", "Гастрофиброскоп" ва энг замонавий компьютерлар бор.

Хайрли иш учун туман ҳокими Мирзаҳўжа Қалқулов кореялик шерикларга миннатдорчилик изҳор этди.

Саид Саидаҳмедов.

ХУСУСИЙ ФИРМА ШУҒУЛЛАНМОҚДА

Ҳозирги вақтда саноат корхоналарини вентиляция қурилмаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Олмалиқдаги ҳар бир конда, заводфабрикада ҳам шундай ускуналар ишлаб турипти, улар ҳавони тозалашга, атроф муҳитнинг мусаффо бўлишига ёрдам бермоқда.

Бундай қурилмаларни ўрнатиш, таъмирлаш ишлари тобора кенгайиб бормоқда. Шу талабни ўрганган бир гуруҳ тадбиркорлар шаҳарда "Угеим" хусусий фирмасини ташкил этишди. Унинг жамоаси қисқа муддат ичида кўплаб вентиляция ускуналарини ўрнатиш, ишга тушириш ва созлаш ишларини амалга оширдилар. Ҳозирча фирмада ишловчилар сони йигирма киши атрофида. Иш ҳажми ортиши кутилаётганлиги туфайли яна қўшимча ишчи ўринлари яратиш назарда тутилмоқда.

Собир ҲАМИДОВ.

АСАКАДАН АШХОБОДГАЧА

АНГРЕНДА саноат корхоналари тиғиз жойлашган. Шу сабабли бу ернинг об-ҳавоси мусаффолигини сақлаш, табиий иқлим шароитини яхшилашда шаҳарда жойлашган "Оҳангарон" давлат ўрмон хўжалиги жамоасининг муносиб улуши бўлмоқда.

115 минг гектардан кўпроқ майдонда ўрмон ва дарахтзорлар барпо этиш билан шуғулланаётган хўжалик қир ва тоғ ёнбағирликларида зинапоя шаклида сувсизликка чидамли чинор, арча ва бошқа игна баргли дарахт кўчатларини экяпти. Айниқса, "Қорабоғ", "Олмалиқ", "Гўштсой", "Кенжағали" бўлимлари бу ишда намуна кўрсатмоқдалар. Хўжалик ўрмончилари шу йилнинг ўзида режадаги 60 гектар ўрнига 115 гектар майдонда дарахтзорлар барпо этишди. Ўтказилаётган икки ойликда улар фақат кўчат экиш билангина шуғулланиб қолмай, бошқа жойларга ҳам манзарали ва мевали дарахт кўчатларини етказиб бермоқдалар.

— Бизнинг маҳсулотимизга республикамиздаги бошқа вилоятлардангина эмас, МДҲ давлатларидан ҳам кўплаб харидорлар чиқяпти, — дейди ўрмон хўжалиги раҳбари Анвар Шамсиддинов. — Жамоамиз Ашхободдаги "Қардошлик боғи"ни барпо этишда фаол қатнашди. Асакадаги ДЭУ қўшма корхонасига 2 миллион туп турли кўчатлар етказиб берилди.

Минаввар ИСОҚУЛОВА.

ХОТИРА ТАДБИРИ

Ўртачирчиқ туманидаги "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги бошқаруви саъй-ҳаракатлари туфайли хўжалик, туман ва вилоят жамоаларида кўп йиллар тўп сурган дарвозабон Қаҳҳор Илёсовнинг 50 йиллиги муносабати билан футбол мусобақалари ўтказилди.

Тадбирда туман қишлоқларининг "Оқ барс", "Умид", "Қора тулпорлар", "Оққутаев бургутлари" футбол жамоалари иштирок этдилар.

Ўзаро беллашувлар чоғида "Оқ барс" футбол жамоаси юқори натижаларни қўлга киритди ва биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Ғолиб жамоа аъзолари қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

Толиб ҲАКИМОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ
янгиликлар, одамлар, воқеалар

ФАРЗАНД ҚАЛБИДАГИ ОНА ЮРТ МЕҲРИ

ҲАР БИР ЮРТНИНГ, мамлакатнинг ўз рамзлари, тимсоллари бўлади. Улар ҳар дақиқада мустақилликнинг, давлат мақомининг мазмун-моҳиятини англатиб туради. Уларни кўрганимизда беихтиёр энтикиб кетамиз, кўнглимиз фахрга, ифтихорга тўлади. Ана шундай тимсоллардан бири юртимиз байроғидир.

Шукурки, неча йиллар ўзга байроқ қаршисида эгилган, тўғрироғи, эгилишга мажбур бўлган Ўзбекистон халқи, мана, олти йилдирки, ўз мустақиллик тимсоли — байроғига таъзим қилмоқда, ҳурмат бажо келтирмоқда, фахр-ифтихорга тўлмоқда. Бу қизил гаплар эмас. Зеро, ана шу миллий давлатчилигимиз, маънавиятимиз, жўғрофий тузилишимиз, қўйинг-чи, дунёга кун сайин танилиб бораётган Ўзбекистон деган юртимизнинг бугунги юксак нуфузини ифодалаб берувчи шу байроғимизга, мустақиллигимизга эришгунча, қанчадан-қанча қора кунлар бошимиздан ўтмади, дейсиз. Буни унутиб бўлмайди. Буни унутишга ҳаққимиз йўқ. Ана шунинг учун ҳам бугуннафақат Ўзбекистонда, балки, 140 дан ортиқ хорижий давлатларда, БМТдек халқаро ташкилотлар пештоқида ҳилпираб турган байроғимиз она-Ватан сингари азиз ва муътабардир!

...Куни кеча ишдан борсам, бу йил мактабга чиққан олти яшарлик қизим, адажон, сизга совғам бор, дея қўлимга мўъжазгина,ўзи оппоқ қоғозга туширган Ўзбекистон байроғи тасвирини ҳадя этди. Чучук тили билан дона-дона қилиб, уни таърифлаб берди ва сўнггида бу байроқни уйимизга илиб қўяйлик, деди.

Беихтиёр кўзимдан ёш қалқиб кетди. Фарзандимнинг илтимосини бажардим. Илоҳим, ана шу мўътабар байроғимиз юртимизнинг ҳар бир гўшасида, хонадонида ҳамиша ҳилпираб турсин. Бутун дунёда Ўзбекистон деган юртнинг шоншавкатини ифодалаб бераверсин!..

М.ФАТТОҲОВ.

САНЪАТ ВА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

ЎЗБЕКИСТОНДА УКРАИНА МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

17 ноябрь. Муҳташам Халқлар дўстлиги саройи байрамона безатилган. Саҳна тўрида Ўзбекистон ва Украина давлат байроқлари, республикамизда ўтказилаётган дўст мамлакат маданияти кунлари рамзи нур таратиб турибди. Тантанавор мусиқа янграб, республикамизда қардош мамлакат маданият кунларининг бошланишидан дарак беради.

Республика Бош вазири Ў. Султонов украиналик меҳмонларни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ва Ўзбекистон ҳукумати номидан табриклаб, ўзбек заминида бошланаётган Украина маданияти кунлари иккала халқ ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деди. Зеро, истиқлол ўзбек халқига ҳам, украин халқига ҳам кенг тараққиёт уфқларини очиб берди. Тарихий қадриятларни, миллий анъаналарни тиклаш, маданиятни янада юксалтириш имкониятларини яратди. Байрам кунларида халқларимиз эришган ана шу ютуқлар яққол намоён бўлади.

Украина Бош вазирининг ўринбосари, делегация раҳбари В. Смолий дўст халқ маданият арбоблари ва санъаткорлари самимий кутиб олинганлиги учун миннатдорлик билдириб, биз бу байрамга украин халқи кейинги йилларда турмушнинг барча соҳаларида, айниқса санъатни ривожлантиришда қандай ютуқларга эришганини намойиш этиш учун келдик, деди. Айни вақтда санъаткорларимиз истиқлол йилларида ўзбек халқи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда қўлга киритган ютуқлар билан танишадилар. Бу эса икки халқни бир-бирига яқинлаштиришга, маданиятларимизни ўзаро бойитишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, биз украин халқининг кўп асрлик тарихи ва бой маданиятига катта қизиқиш билан қараймиз. Бу халқнинг Т. Шевченко, И. Франко, А. Довженко каби фидойи фарзандлари жаҳон маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшган. Айни вақтда украиналиклар ҳам саховатли заминимиз фарзандлари — Беруний, Ибн Сино, Навоий даҳосига юксак ҳурмат билан қарайди. Тадбир давомида олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар ижодий мулоқотда бўладилар, меҳнаткашлар билан учрашадилар. Бу ана шу ўзаро ҳурматнинг, хайрли дўстлик анъаналарининг давом этишидан далолатдир.

Ўзбекистонда Украина маданияти кунлари тантанали равишда очиқ деб эълон қилинади. Икки Давлат мадҳиялари янграйди.

Тантанали маросим Ўзбекистон ва Украина санъат усталарининг дўстлик концерти билан якунланди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, К. Раҳимов, М. Усмонов, Р. Юнусов, Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов қатнашди.

Шу куни Ўзбекистонда Украина маданияти кунлари қатнашчилари Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб, мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

(ЎзА).

ОРЗУ ВА МАҚСАДЛАРИМИЗ – МУШТАРАК

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳозир дунёга келаётган гўдаклар яхши яшаши учун, аёл киши жамият ҳаётида муносиб ўрин тутиши учун жуда катта иш қилмоқда.

Мен ҳозирги вақтда Ўзбекистонда хотин-қизларимизга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга катта эътибор берилаётганини яна бир бор таъкидлаб ўтишни истардим. Шу сабабли биз Хиллари Клинтон хоним бу борада халқаро майдонда қилаётган ишларининг аҳамиятини яхши англаймиз.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, у амалга ошираётган ишларнинг ҳаммаси келажагимизни англашга ҳамоҳангдир.

Бу залда Самарқанд шаҳри аҳолисининг турли табақалари вакиллари ўтирибди. Бу ерда дўстларимни, бир пайтлар бирга ўсиб-улғайган кишиларни кўриб турибман, православ ва мусулмон динларининг ҳурматли вакилларини кўриб турибман.

Бу гапларим билан Хиллари Клинтон хонимга Самарқанд ноёб шаҳар эканини айтмоқчиман. Унда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Бу ерда арманлар ва озарбойжонлар ёнма-ён осойишта яшайди — озарбойжонлар маҳалласи ҳам бор, арманлар маҳалласи ҳам бор. Ҳаммаси ақил ва иттифоқ, улар ҳатто бир-бирига қариндош бўлган, муштарак оилалари бор. Бу — тинчлик, осойишталик, адолат, бу диёрдаги тотувлик бизнинг эзгу орзуйимиз эканининг яна бир далилидир. Кишиларимизнинг барча истаклари шу мақсадга қаратилган.

Мен шу жамиятга мансублигимдан, шу шаҳарда туғилганимдан фахрланаман, бугун Хиллари Клинтон хонимни Ўзбекистонда кутиб олаётганимиз билан фахрланаман. Бу биз учун катта шарафдир. Шунинг учун ҳам мен Хиллари Клинтон хонимга мурожаат қилиб, биз учун бу — тарихий воқеа, демоқчиман. Бундан ҳатто беш-олти йил олдин Қўшма Штатларнинг биринчи хоними бу ерга келиб, биз билан мулоқотда бўлишини тушимизда ҳам кўрмас эдик. Хиллари Клинтон хонимнинг бу ерга келиши биз тоталитар социалистик совет тузумидан озод бўлганимизнинг натижасидир. Биз ўз демократик йўлимизни танлаб олганмиз. Шу ерда ўтирган ҳар бир киши каби менинг ҳам ишончим комилки, биз бу йўлдан оғишмаймиз. Бу йўл—демократия йўли, озодлик йўли, шу сахий диёрда яшаётган барча кишилар учун муносиб турмуш шароитини барпо этиш йўли бўлиб, у ҳаётимизнинг мазмунидир.

Шу ўринда мен Хиллари Клинтон хонимга фақат бир истак билдирмоқчиман: мен Хиллари Клинтон хоним келаси гал шу ерда ёки бошқа залда умр йўлдоши Билл Клинтон жаноблари билан бирга ўтиришини, бу мумкин қадар тезроқ юз беришини орзу қиламан.

Биз Америка Қўшма Штатларининг жаҳон сиёсатида ҳам, жаҳон иқтисодиётида ҳам тутган ўрни ва мавқеини биламиз. Биз Қўшма Штатлар бугунги кунда демократия, шахс эркинлиги рамзи, ҳар бир инсон ўзининг ҳаёти мазмуни деб билган барча эзгу нарсанинг рамзи эканини биламиз.

Мен Клинтон хонимдан Ўзбекистонда муттасил олға интилувчи жараёнлар кечаётгани, биз ҳам Америка халқи интилаётган идеаллар сари интилаётганимизни Америка жамоатчилиги эътиборига етказишни илтимос қилган бўлардим. Бизнинг идеалларимиз, мақсадларимиз тўла уйғун эканига менинг ишончим комил. Аммо биз мақсадимиз сари элтадиган йўлни босиб ўтишимиз учун ҳали бироз вақт керак.

Клинтон хоним кеча Бухорода бўлган эди, бугун Самарқандга ташриф буюрди. Мен Самарқандда туғилган ҳамда ўзи ўсиб-улғайган жойни унутмайдиган киши сифатида Хиллари Клинтон хонимга бу сафарида бошқа киши ҳамроҳ бўлиши мумкинлигини тасаввур қилолмадим. Мен дипломатик протокол тартиби қатъий эканини, телевидение воситасида миллионлаб кишилар биз Клинтон хонимни қандай кутиб олаётганимизни кўриб турганини биламан. Кимдир, эҳтимол, бунга ҳам бошқача тус берар. Аммо буларнинг барчаси эскиликдан қолган сарқит. Мен бундай кишиларга: жаноблар, бизга кимни қандай кутиб олишни ўргатадиган замонлар ўтиб кетганини унутдингизми, деган бўлардим.

Биз протоколга риоя қилишга ҳаракат қиламиз, албатта, лекин протоколлар очиқ қалблар ўртасига тўсиқ бўлмаслиги керак. Мен Клинтон хонимга нафақат АҚШнинг биринчи хонимига, балки ўзим астойдил ҳурмат қиладиган ва яхши кўрадиган инсонга бўлган ҳурмат-эҳтиромимни ҳам изҳор этишни истайман.

Мен бугун Клинтон хонимга унинг ўзида ҳам, турмуш ўртоғи Билл Клинтон жанобларида ҳам Оллоҳ ёки Худо берган алоҳида фазилатлар борлиги тўғрисида гапирдим. Мен Худонинг битталигига аминман, албатта.

Хуллас, айтмоқчиманки, Худо бу инсонларга барчага ҳам насиб бўлавермайдиган алоҳида фазилатлар бахш этган. Уларнинг жозибаси, атрофдагиларнинг эътиборини тортадиган маълум инсоний хусусиятлари, уларга нисбатан одамларда уйғонадиган таважжуҳ шу фазилатлар жумласидандир. Назаримда, улар билан мулоқотда бўлган ҳар бир киши буни ҳис этгани аниқ.

Мен ўтган йили Клинтон жаноблари билан учрашганимдан бахтиёрман. Бугун ҳам, унинг рафиқаси, Қўшма Штатлар сиёсатида ўзининг маълум ўрнига эга бўлган, ўз олдига олижаноб мақсадларни қўйган ҳамда ана шу мақсадлар сари интилаётган инсон даврамизда эканидан бахтиёрман. Бу аёлга нисбатан юксак эҳтиром билан қарамаслик мумкин эмас. Раҳмат.

БИЗ СИЗЛАР БИЛАН ҲАМКОР ВА ДЎСТ БЎЛИШДАН ФАХРЛАНАМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ни гапириб берди. Худога шукур, бу даврлар орқада қолди. Бугунги кунда Ўзбекистонда турли динга мансуб кишилар ўз динига эътиқод қилиши мумкин.

Президент жаноблари қайд этганидек, ўзларининг истеъдоди, имконияти ва жуда кўп турли-туман анъаналар билан боғлиқ орзу-умидларини юзага чиқараётган турли миллат вакиллари Марказий Осиёдаги мана шу нуфузли маданият марказида тинч-тотув яшаб келмоқда. Мен Самарқанд ҳамда Ўзбекистонга турмуш ўртоғим, Президент Билл Клинтон ҳамда Америка халқи номидан халқларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек сизларнинг демократия, фуқаролар жамиятини барпо этиш ва барча фуқароларга ўз орзуларини амалга оширишида ёрдам бериши лозим бўлган иқтисодиётни барпо этиш борасида эришган муҳим ютуқларингизни ўз кўзим билан кўриш учун ташриф буюрганман.

Бироқ, ташрифимнинг бошқа сабаби ҳам бор. Мен бу ерга сизлардан ўрганиш учун ҳам келганман. Сизларнинг бой ўтмиш тарих ва маданиятингиз билан танишибгина қолмай, динлар ва миллатларнинг ўзига хослигига чуқур ҳурмат билан қараш борасидаги анъаналарингиз билан ҳам танишиш ниятида келганман. Чунки, бу — жуда кўп авлодлар умри давомида сизларнинг ана шу бой ва тарихий маданиятингизнинг гуллаб-яшнашига имкон берган.

Тошкентдан сўнг Бухоро ва Самарқандга ташриф буюрар эканман, сизларнинг муқаддас қадамжоларингиз гўзаллигидан ҳайратга тушдим. Бироқ, менда энг катта таассурот уйғотгани уларнинг ўзаро яқинлиги бўлди. Мусулмонлар, христианлар ва яҳудийлар ёнма-ён ҳолда ўз динларига эътиқод қилар экан. Бу одат жуда кўп асрлардан буён давом этиб келаётгани алоҳида таҳсинга сазовордир.

Мана шундай, бир-бирига ҳурмат-эҳтиром билан қараш руҳи жамиятингизнинг барча соҳаларига сингиб кетган. Турли илдизларга эга бўлган халқлар минг йиллардан буён тинчлик ва дўстликда яшаб келган ва бугун ҳам шундай яшамоқда. Бухородаги мактабда атрофимда ўтирган болалар менга ўзбек, тожик ва рус тилларида кўп саволлар беришди. Уларнинг қизиқиши шу қадар катта эдики, суҳбатимиз имкон қадар чўзилишини исташарди. Мен уларнинг даврасини ноилож тарк этдим. Ўзбекистон халқининг қадимдан таълим ва илм-фанга меҳр қўйганини биламан. Бунинг устига, мамлакатингиз алгебра фанининг ватани ҳисобланади. Шу нарса аниққи, олам сиз эга бўлган билимлар туфайли анчагина олға силжиган. Сизлар буюк бадиий ва адабий анъаналарга эгасиз, аҳолингизнинг саводхонлик даражасига эса жуда кўп мамлакатлар ҳавас қилса арзийди. Мен сизларнинг янги жамият қуриш борасидаги ишлар билан банд эканингизни жуда яхши англайман. Муайян қийинчиликларга қарамай, болалар учун барпо этилган кучли таълим тизимингизни ҳимоя қила олишларингизга ишонаман. Зеро, мен университет талабалари ва мактаб ўқувчиларининг қиёфасини кўриб, сизларнинг ёш авлодларингиз ақл-идрокида улкан салоҳият мавжуд эканига амин бўлдим. Гуллаб-яшнаётган демократияни барпо этиш учун таълим-тарбиянинг кучли пойдевори бўлиши лозимлигини яхши биламиз.

Бугунги кунда сизларнинг бундай турфа ҳаёт кечиришдаги тажрибаларингиз ўзларингизга табиий туюлиши мумкин. Президентларингиз Самарқандда туғилиб, вояга етганини айтган эди. У турли халқларнинг бирга-ликда тинч-тотув яшаши турган гап ҳамда бу оддий анъана, деб қарайди. Бироқ, бундай турфалик ноёб намуна ҳисобланади. Чунки, агар бугунги кунда оламга назар ташласангиз, эски ва янги, этник ва диний тафовутлар нафрат, зўравонлик ва гайриинсоний туйғуларнинг тарқалишига сабаб бўлаётганини кўрасиз.

Сиз бугунги кунда Боснияда, Руандада, Шимолий Ирландия ва Яқин Шарқда ҳам экстремистлар муқаддас анъаналар ниқобини инсонларни ҳудога яқинлаштириш мақсадида эмас, ундан узоқлаштириш мақсадида кийиб олганига гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Мен қадимий ипак йўли бўйлаб ўтган карвонларда жамуljам бўлган маданиятлар турли-туманлиги ўзаро ҳурмат анъанасини аста-секинлик билан олға силжитганини ва ёвуз ниятларга қарши курашда қуролга айланаётганини яхши тасаввур қиламан. Хитой, Европа, Ҳиндистон, Византия ва Араб дунёсидан келган сайёҳлар карвонсаройларда учрашиб, бир пиёла чой устида суҳбат қурганлар, шу йўл билан одамлар ўртасидаги ришталарни мустаҳкамлаганлар.

Охир-оқибатда савдо-сотиқ ривожи нимага боғлиқ ё савдо билан шуғулланиши учун инсон турли «тўсиқ ва деворлардан» холи бўлган, эркин жамиятда яшаши керак. Ахборот, ғоялар, товарлар ва одамлар эркин ҳаракатланиши лозим.

Савдо-сотиқ ўзаро ҳурмат асосида қурилади. Савдо қилиш учун сиз, сизга ўхшамаган бир одам сизга таклиф қилиш учун кераклн нарсага эга эканига ишонишингиз зарур. Сиз ҳам, ана шу сабабларга кўра, унинг моли ўрнига таклиф қилиш учун тенг қимматли нимагадир эга бўлишингиз керак.

Бу асосий тамойил савдо-сотиқ ва тижорат ривожидан кўра кўпроқ нарса беради. Бу сизда сабр-тоқат туйғуларини тарбиялайди, ҳеч бўлмаса бошқа ирққа мансуб одамни тушуниш истагини туғдиради. У одам сизникидан бошқа бўлган динга эътиқод қилиши ёки сизникидан фарқли қадриятга эга бўлиши мумкин.

Фикрларни қабул қилишга бўлган бундай очиқлик Исломнинг буюк файласуфларига тўқкизинчи, ўнинчи ва ўн иккинчи асрларда Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида ўз таълимотларига Ғарб фикрини сингдириш имконини берди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари асрлар қаърида йўқолиб кетиши мумкин бўлган донишмандликни (Аристотель ишлари каби) тўлалигича сақлаб қолди.

Бу очиқлик, шунингдек, Ўзбекистонни энг қадимги Европа қабилалари учун Яқин Шарқдан ташқаридаги ишончли хонадонга айлантирди.

У бугунги кунда суфийларнинг йирик ҳаракатига айланган Нақшбандия тариқати ривожланиши учун йўл очди. Бухоро бу ажойиб ҳаракат анъаналарини ҳурмат қиладиган ва айни вақтда экстремизмни инкор этадиган масканга айланди.

Мен кеча Бухоро масжидларидан бирида мулла билан суҳбатлашиб бениҳоя ҳаяжонландим. У ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада теран ва кучли ривожланишига умид билдирди.

Тасаввур қилиб кўринг, шу қадар диний эътиқодларни қадрлайдиган, дунёнинг турли бурчакларидан кўплаб одамларни қабул қила оладиган бу очиқлик Самарқанд ва Бухоронинг 2000 йилдан зиёд давр мобайнида яшаб келаётганининг сабабларидан биридир.

Сизларнинг буюк тарихий ўтмишингиздан қатъи назар, агар халқингиз келажак йиллар тўғрисида ўйламаганда, мен ҳайрон қолган бўлур эдим. Чунки коммунизм биноси вайронага айланган бир пайтда янги озодлик тизимининг қийин кечадиган қурилиши эндигина бошланди.

Бугунги кунда дунёдаги энг қадимий демократия ватани бўлган ўз мамлакатим тажрибасидан келиб чиққан ҳолда биламанки, демократия қурилиши узоқ давом этадиган жараёндир, у бу ишга бир неча авлодларга мансуб бўлган ҳамма фуқароларнинг иштирокини талаб этади.

Ўзбекистонга, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари (Қозоғистон ва Қирғизистонга) ташрифим давомида мен шунга амин бўлдимки, сизлар бу йўлни муваффақият билан босиб ўтасиз. Чунки эски тузум тазйиқидан омон чиқиш учун ақл бовар қилмайдиган даражада мардлик ва сабр-бардош талаб этиларди. Мақсади миллий ўзликни йўқотиш, маданият ва динни барбод қилиш бўлган, ипак йўлини темир панжаралар билан беркитиб қўйган тузумда ҳам яшаб, чидаб келдингиз. Ҳозир ўша темир панжара парчаланиб, ипак йўли яна гуллаб-яшнамоқда. Сиз келажакка боққан ҳолда демократиянинг янги йўналиши томон ажиб шижоат билан ҳаракат қилмоқдасиз.

Буюк ипак йўлидан янги имкониятлар сари дадил бормоқдасиз. Демократияни қарор топтириш, янги имкониятларни қўлга киритиш ҳам жасорат талаб этади.

Шуни таъкидлашни истардимки, мамлакатингиздаги каби, менинг юртимда ҳам демократия жамиятнинг турли табақаларига мансуб бўлган барча одамларнинг шахсини ҳимоя қилишга даъват этилган муассасаларнинг ривожигагина боғлиқ эмас. Демократия қайта ва қайта эркин ва адолатли сайловлар ўтказишдангина иборат эмас. Демократия виждон эркинлиги ва ўз фикрини ифода этиш эркинлигидангина ҳам иборат эмас. Демократия охир-оқибатда барча фуқароларнинг қалби ва онгига демократик қадриятлар қай даражада синггани, шунингдек, бу қадриятларнинг нечоғли авайланиши ва авлодлардан авлодларга етказилишига боғлиқ. Бу ҳар қандай демократиянинг, айниқса сизлардаги каби янги пайдо бўлаётган демократиянинг энг муҳим талабидир. Бироқ мен шунга аминманки, бу заминда неча авлодлар ҳаёти давомида яхши сақланиб келаётган ўзаро ҳурмат ва сабр-тоқатлилик анъаналари олдингизда турган ана шу талабларга жавоб беришда муҳим омил бўлади.

Қисқа даврда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар анча ривожланди, ишонч билан айтиш мумкинки, эндиликда бу муносабатлар янада мустаҳкамланади. Сиз кўп қиррали жамиятни барпо этиш масалаларида ҳали дунёга кўп сабоқ берасиз. Чунки сизнинг кўҳна заминингиз асрлар давомида кўплаб улуғ инсонларни Буюк ипак йўли орқали бой савдо ва маданиятга эга бўлган янги олам билан боғлаш учун хизмат қилган. Бугун бу йўлдан сиз қайта ўтмоқдасиз, фақат бу сафар ўзгача — эркинлик ва демократиянинг янги олами сари интилмоқдасиз. Гарчи, манзил ўта машаққатли, баъзан унинг уфқи жуда йироқ туюлса-да, сиз албатта ўз мақсадингизга эришасиз, деб ишонаман. АҚШ Президенти ва халқи бу йўлда сизлар билан бирга, ҳамқадам бўлишига барчангизни ишонтираман. Биз демократия йўлида сизлар билан ҳамкор ва дўст бўлишдан фахрланамиз.

(ЎзА).

УЧ ХЎЖАЛИК ХИРМОНИ

Оққўрғонга бораверишда автобусда икки оқсоқолнинг гангир-гунгир суҳбати диққатимизни тортди.

— Куз тугаб, пахта терими тайсалласаям Оққўрғон ярим фоиздан ҳосил топширипти. Пахта дегани хўб бўлиб берган экан-да.

— Тағин ҳам ёзнинг бошида гўзасини дўл уриб, ер билан битта қилиб кетганди. Июнда чигитни қайта экишди. Аммо, лекин, ёз бўйи тер тўкиб ишлашди азаматлар. Бу йилги ҳосилнинг ҳаммаси меҳнат билан бўлди оғайни...

— Роҳатини кўришсин, илоҳим...



Туман ҳокимлигида ҳам қисқа суҳбат пахта ҳақида борди. Ҳоким Абдуғани Деҳқонов шошиб турган экан, гапни лўнда қилди:

— Тумандаги энг йирик "Оққўрғон", "Гулистон", Султон Сегизбоев номли хўжаликлар кеча режаларини бажарди. Бошқа хўжаликлар ҳам маррага етиш арафасида...

..."Оққўрғон" ширкатлар уюшмаси идорасида одатдагидай ҳеч кимни учратмадик. Сабаби маълум — ҳамма далада. Уюшма раиси Уммат Мирзақуловни 6-ширкатдан топдик.

— 2536 гектар майдондан 2863 тонна ҳосил топширдик. Гектаридан — 27,5 центнердан, — деди у. — Улоқ Тирков Каримов, Сервер Бектемиров, Ҳикмат Хўжамов бошлиқ ширкатларнинг қўлида. Барака топкурлар, биринчи бўлиб режани бажарганликлари учун 100 минг сўмгача, Жаббор Мусабоев, Мирназар Ҳазратқулов. Шотемир Бобоев бошлиқ бригадалар эса 15 минг сўмгача мукофотлар олишди. Ҳозиргача 36 та машина билан пахта тердик. Теримда 2300 киши қатнашаяпти. Механизаторлар бири-бировидан орқада қолмай ишламоқда. Тоҳир Аҳмаджонов, Саидраҳмон Тастонбоев, Расул Уташевлар терган пахта 100 тоннага етди. Эндиги ишларми? Техникани таъмирлашни бошлаб юбордик. Дала ҳосилдан бўшаши билан шудгорга киришамиз. Тракторлар тайёр, плуглар тақилган. Дала бошига маъданли ва маҳаллий ўғитларни чиқариб қўйибмиз. Бу ишни декабргача қилиб улгурамиз.

..."Гулистон" жамоа хўжалиги раиси Жуманиёз Аннаев билан ҳам мулоқот қисқа бўлди. Хўжалик 1007 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан, жами 2670 тонна ҳосил топширибди. Кўп кунлар олдин режасини бажарган Файзулла Маъдиев, Сайфулла Жумаев, Аҳад Мусабоев, Қўчқор Норбоев бошлиқ бригадалар ҳозир ҳам илғорликни қўлдан беришмаяпти. Ҳали-ҳамон 1200 киши пахта теряпти.

— Катта хирмонда ҳар бир теримчининг улуши бор, албатта. — дейди раис. — Аммо 15 та терим машинасининг улуши янада кўпроқ бўлди. Йўлдош Носиров, Эргашқул Жўраев, Шариф Исаевларнику, қўяверасиз, ҳар бири кунига 6,5—7 тоннадан, шу кунгача эса 80—100 тоннадан пахтани хирмонга тўкишди. Механизаторларнинг айримлари ҳозир пахта теришяпти. Баъзилари эса ҳайдов тракторларининг кам-кўстига қараб, шудгорга шай бўлиб туришибди. Эрта-индин бу ишни ҳам бошлаб юбормоқчимиз.

...Бу йилги мавсум Султон Сегизбоев номли корпорация деҳқонлари хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Ғўзанинг бўйи бир қарич бўлиб қолганида олдин жала, сўнгра дўл уриб ер билан битта қилиб кетди. Тупроқ селгиши билан ҳамма далага ёпирилиб чиқди, бир ҳафта ичида қайта чигит экишди. 800 дан кўпроқ киши бутун меҳрини ғўзаларга тўкиб солди. Ёз бўйи далада ғўза чопди, ўғит ташиди, сув таради. Пахта очилиб, ғўза барги тўктирилгач, этак тақиб пахта терди. Бўстонлиқ туманидан ҳам 1250 ёрдамчи ҳашарга келди. 36 та терим агрегати тиним билмай ишлаб, кунига 330—350 тоннадан пахтани хирмонга тўкди. Мана, натижа — хўжалик 2974 гектар ердан 6790 тонна ҳосил топшириб, режани бажаришга эришди.

Мавсум бу ерда ҳам тажрибали деҳқонлар кимлар эканлигини кўрсатди. Баҳодир Мўминов, Мирза Мирзахмедов, Раҳмон Мирзамуродов, Одил Шеримбетов, Саттор Мадаминов бошлиқ бўлим ва бригадаларда ҳосилдорлик юқори бўлди.

...Куз тантилигини қиляпти. Гўё очиқ ва илиқ ҳаво мендану, ҳаракат ва баракат сендан, дегандек пахтакордан ҳимматини аямаяпти. Деҳқон ҳам белбоғини маҳкам боғлаб, йил бўйи тер тўкиб етиштирилган ризқ-рўзи — "оқ олтин"ининг бир нукрасини ҳам ерда қолдирмай йиғиб-териб оляпти. Айни пайтда келгуси ҳосилга замин ҳозирлаяпти.

Абдулла МАЪДИЕВ,
Раҳим ҚОДИРОВ.

Олмалиқ автобус-таксомотор саройида таъмирловчи Бахтиёр Абдухолиқов номини доим ҳурмат билан тилга оладилар. У ўзининг унумли ва сифатли меҳнати билан жамоа аъзолари ўртасида обрў орттирмоқда.
Владимир ГРАНКИН олган сурат.

Исломхат одимлари

ТЕХНИКА СОЗ — ИШ УНУМЛИ

Автокорхонада меҳнат жараёни барвақт бошланади. Кўпчилик ҳайдовчилар иш вақтидан бир соат — икки соат олдин келадилар. Чунки автоуловнинг техник ҳолатини синчиклаб кўздан кечириш лозим. Моторларини ишлатиб кўрадилар, ҳаракатланувчи қисмларини яна бир бор синаб кўрикдан ўтказадилар. Бу тушунарли албатта. Чунки, ҳатто ҳайдовчининг ҳаёти ҳам унинг техник созлигига боғлиқ.

Пскентдаги 82-автохўжалик ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, жамоа фаолиятида сезиларли силжиш юз берди. Мана уч йилдирки, унинг ҳақиқий эгаси жамоа бўлиб қолди. Эндиликда корхона "82-Пскент автокорхонаси" очиқ ҳиссадорлик жамияти деб юритилмоқда. Фақатгина номи ўзгармади, албатта. Баъзан бутун тузилма ташкилоти қайта барпо этилди, молиявий-хўжалик фаолияти бошқа шакл касб этди. Энг муҳими жамоада соҳиблик ҳисси юзага келди. Буни ҳиссадорлик жамияти раисидан тортиб, то оддий ҳайдовчи, таъмирловчи ҳам ҳис қилмоқда.

Чиқарилган акциялар тақсимотида ҳам жамоа устунлик қилди. Унинг 24 фоизи давлат ихтиёрида қолдирилган ҳолда 74 фоизи ишчилар ўртасида тарқатилди. Эркин сотиш учун мўлжалланган акцияларнинг 2 фоизи ҳам транспортчилар томонидан сотиб олинди. Ҳаммаси бўлиб, 46213 та қимматли қоғозлар чиқарилди. Уларнинг барчаси корхона меҳнаткашлари ўртасида тарқатилди. Бунда транспортчиларнинг шу корхонадаги иш стажлари ҳисобга олинди. Ким кўп йил ишлаган бўлса, у шунга мутаносиб равишда акциялар эгаси бўлди.

— Корхонамиз дивидендлар тўлашга ҳам киришди, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Эргаш Ҳайдаров. — Биз уни ҳар йили икки марта тўлашни режалаштирганмиз. Ҳар олти ой якуни бўйича тўлаймиз. 1997 йилнинг биринчи ярми натижалари бўйича корхонамизда 10—15 йил ишлаган ҳайдовчилар 4—5 минг сўмдан дивиденд олдилар. Бу оилавий бюджетга дурустгина қўшимчадир.

Корхона бозор иқтисодиёти шароитларининг дастлабки давридаги молиявий беқарорликни бартараф этишга эришди. Шу йилнинг 9 ойида юк ташиш бўйича режада белгиланган топшириқ 1 миллион сўм ортиғи билан бажарилди.

Жамият раиси билан суҳбат давомида шу нарса ҳам маълум бўлдики, бутун жамоа автокорхонанинг тўла қувват билан ишончли ва барқарор ишлашини таъминлаш йўлида кўп куч-ғайрат сарфлаган. Корхонада 120 та турли русумдаги юк автомашиналари ишлатиляпти. Бу ерда кўп юк кўтарадиган ўзи ағдаргичлар, автофургонлар, махсус машиналар бор. Улардан унумли фойдаланиш йўлида тинмай изланиш олиб бориляпти. Янги мижозлар топиляпти. Шу туфайли ҳам автомашиналарнинг 90 фоизи йўлга чиқарилмоқда. Пскент ва Тўйтепа пахта тозалаш заводлари, 3-механизациялашган кўчма жамлама, "Тошвилсувхўж"нинг қатор бўлинмалари, қўйингки, тумандаги ва вилоятдаги кўплаб бошқа корхоналар ва ташкилотлар жамоа хизматидан фойдаланмоқдалар.

— Одатда биз ўз шериклари муносабати билан талабномаларни олдиндан хизмат ҳақини тўлаш шарти билан расмийлаштираяпмиз. Лекин, шунга қарамай, молиявий соҳадаги муаммолар тўла бартараф этилганича йўқ. Улар ҳамон давом этмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти ўз мижозларининг дебитор қарзлари бартараф этилмаётганлигидан зарар кўрмоқда. Бу йил у 12 миллион сўмга етди. Транспортчиларга хизмат ҳақини ўз вақтида тўламаган 5 та корхонага нисбатан энг сўнгги чора кўрилди. Улар ҳақидаги материаллар кўриб чиқиш учун хўжалик суди ҳукмига ҳавола этилди. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, аниқроғи унинг кўп сонли бўлинмалари транспортчилардан катта қарзлар. Бугунга келиб унинг ҳажми 5,2 миллион сўмдан ошиб кетди.

Ҳиссадорлик жамияти барқарор ишлаётган корхоналар тоифасига киради. Лекин айрим мижозлар томонидан хизмат ҳақининг ўз вақтида тўланмаслиги молиявий соҳада муайян қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Транспортчилар ишлаб топилган фойдани ўз вақтида олиш, айланма маблағни кўпайтириш имкониятларидан маҳрум бўлмоқдалар. Бу эса охир оқибатда ишлаб чиқаришни янги техника билан жиҳозлаш, технологияни янгилашга тўсқинлик қилмоқда.

Корхонада ижтимоий соҳага эътибор ҳам эсдан чиқарилмаган. Бу ерда транспортчиларга яхши меҳнат ҳақи тўланяпти. Улар бошқа турли хил моддий имтиёзлардан фойдаланмоқдалар. Меҳнат таътилига чиқсалар қўшимча пул бериляпти. Маъмурият турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзавот ва меваларни ишчи-хизматчиларга имтиёзли нархларда сотишни уюштирмоқда. Шунинг учун ҳам бу ерда ишчи кучи қўнимсизлиги тўла бартараф этилган.

Ш. ГОРБУНОВА.

«Тошкент ҳақиқати» аралашгач

ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Яқинда ТАҲРИРИЯТГА Бекобод шаҳрининг 13-даҳаси 36-уйда истиқомат қилувчи Матлуба Фозилова хат йўллаб, ўзининг анча йиллардан бери металлургия заводида ишлаши, кўп болали эканлиги, уй олиш учун 1991 йилдан буён навбатда туриши, лекин ҳалигача ололмаётгани ҳақида маълум қилган эди.

Таҳририят бу ҳақда шаҳар ҳокимлигига ҳабар қилгач, шикоят юзасидан мазкур корхонада текшириш ўтказилган. Шаҳар ҳокимлиги уй-жой бўлими бошлиғи Акром Ғоипназировнинг билдиришича, хат муаллифининг мурожаати ўринли деб топилган. Дарҳақиқат, олти кишидан иборат М. Фозилова оиласи шу кунларда икки хонали уйда яшамоқда.

Айни пайтда навбатда турғандан буён ўтган вақт оралиғида бу оилага бир марта тўрт хонали уй ажратилган. Лекин ишчи "менга алоҳида бўлган 2 та икки хонали уй керак", деган истакда бу уйни олмаган. Кейинчалик 5 хонали уй ажратилган. М.Фозилова ҳужжатларни тайёрлаб борганда, "Сизга бир хонаси ортиқча экан", деб бу уйни ҳам беришмаган.

Эндиликда янги қурилаётган уйдан М.Фозиловага оиласидагилар сонига қараб, санитария маромига мос тарздаги уй ажратиладиган бўлди.

Бу ҳақда шаҳар ҳокими Ж.Насриддиновга ва хат муаллифи М.Фозиловага маълум қилинди.

ҲАММАСИ ИНСОН УЧУН

Мустақилликка эришганимиздан кейин пухта ўйлаб амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистонимизда яшовчи турли халқ ва элатлар аҳил, тинч-тотув умргузаронлик қилиб иқтисодиётни кўтариш, маънавиятни юксалтириш, буюк келажакни бунёд этиш йўлида бир жон-бир тан бўлиб меҳнат қилмоқдалар. Биз босқичма-босқич янги марраларни эгаллаб нурафшон келажак сари боряпмиз. Ўзбекистонимизнинг бугунги ҳаётини мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётдаги ютуқларимизни жаҳон халқлари ҳайрихоҳлик билан кузатиб турибдилар. Бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, миллий қадриятларимизга, моддий ва маънавий бойликларимизга қизиқиш хорижда кундан-кунга ошиб боряпти. Яқинда йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг "Би-Би-Си" ҳамда "Озодлик" радиостанциялари мухбирлари билан ўтказган суҳбатлари ҳам бунинг яққол далилидир.

Мен Президентимизнинг турли анжуманларда, Олий Мажлисимизда, юртдошларимиз билан учрашувларда мамлакатимиз ҳаёти билан боғлиқ масалаларда куйиб-пишиб гапиришларини кузатиб бораман. Улардан қаттиқ таъсирланиб, жойларда раҳбар ходимлар, масъулиятли кишилар, ҳар бир фуқаро юртбошимиз ўртага қўяётган вазифаларни оёғидан ўт чақнаб бажаришга киришса, ақл билан иш тутса янада илгарилаб кетган бўлар эдик, деб ўйлайман. Ахир биз тадбиркорликда, миришкорликда, ҳунармандчиликда, илм-фанда, фидойиликда дунёни лол қолдириб келган халқмиз.

Учрашувни ойнаи жаҳон орқали кузатиб, беҳад ҳаяжонландим. Юртбошимизнинг раҳбар ходимнинг бурчи, вазифалари, ислоҳотларнинг мақсади, динга, ўтмишга муносабат, ватан туйғуси ҳақидаги залворли фикр-мулоҳазалари, дилкаш суҳбатларидан ҳузур қилдим.

Мустақиллик улуғ неъмат. Унинг қадрига етиш, уни авайлаб сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Жамият олдида турган буюк вазифаларни бажариш учун аввало, одамларнинг дунёқарашини, тафаккурини ўзгартириш лозим. Эътиқод ҳар бир инсон қалбидаги гавҳардир. У бамисоли йўлчи-юлдуздир. Усиз аниқ йўлни топиш қийин, кўзланган манзилга етиб олиш мушкул. Эътиқодни деворга осиб қўйиб кўз-кўз қилиб бўлмайди. Инсоннинг энг юксак хоҳишлари, ғоялари, ниятлари ва мақсадлари кундалик ҳаётда ўз бурчини қойилмақом қилиб бажаришга уни ундамаса, ғайратига ғайрат қўшмаса ундай одамдан ҳаётда нима қолади?

Мансаб билан сийланган раҳбарлар халқ олдидаги бурчини бир дақиқа ҳам унутмаслиги, халқнинг дард-ўйини, машаққати ва интилишларини теран ҳис этиши, чуқур билиши лозим. Раҳбар билимдон, мустақил фикрловчи, фидойи, башоратчи бўлиши керак. Ота оила саркори бўлса, раҳбар эл-юрт раҳнамосидир. Оилавий турмуш уй соҳибларига қанчалик боғлиқ бўлса, юрт ҳаёти раҳбарларга шунчалик боғлиқ.

Менинг ёшлигим Тошкентнинг "Роҳат" маҳалласида ўтган. Маҳалламиздаги хонадон соҳибларидан бири ҳамма ҳурмат қиладиган Нусратилла ота эдилар. У киши шундай билимдонлик, маҳорат билан рўзғор тебратар, оилани бошқарар эдиларки, бу хонадонга ҳамманинг ҳаваси келарди. Оилада уч ўғил, икки қиз вояга етарди. Ота ва она фарзандларини меҳнатсевар, ориятли, юксак ахлоқли қилиб тарбияладилар. Бир оиладан уч фарзанд мактабни олтин медаль билан тамомлади. Ака-сингиллар олий маълумот олиб яхши мутахассис бўлиб етишдилар. Уларнинг орасида таниқли олимлар бор. Шу оилада тарбия топган Ҳамидулла Шамсиев билан қиёматлик дўст бўлганимдан фахрланаман. Бу оиладаги удум ҳалигача сақланиб қолган: оила бошлиғининг буйруғини ҳар қандай шароитда ҳам сўзсиз ва айтилганидай бажариш фарзандлар учун ҳам қарз, ҳам фарз. Шунинг учун ҳам оила аъзолари тинч-тотув, бадастир яшаб келмоқдалар.

Шарҳловчи минбари

Эл оғаси одамларни ўзига эргаштирувчи, зийрак, пайдо бўлган муаммоларни ечиш йўлларини биладиган, узоқни кўрадиган, эл ҳурматини қозонган сиймодир. Лозим бўлса хориж тажрибаларини ўрганиш, ўзлаштиришдан уялмаслиги, ўз юрти заминида мустаҳкам туриши керак, бироқ унинг нигоҳи бутун дунёни кузатсин.

Суҳбат чоғида Президентимиз давлат ва дин муносабатлари масаласига эътиборни қаратиб, ақидапарастларнинг ўз мақсадлари йўлида диндан фойдаланишларини очиб ташлади. Давлатни бошқариш, ислоҳотларни амалга ошириш давлатнинг зиммасида. Бизда фуқаролар учун виждон эркинлиги Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Ислом динининг жамиятда тутган ўрни жуда каттадир. Давлат билан дин ўртасида қарама-қаршиликлар йўқ. Алоҳида одамлари маданиятли жамиятга айлантирадиган, одамлар ўртасида иймон-эътиқод, меҳр-оқибат, инсонпарварликни тарғиб қилиш — мана шу буюк вазифани бажарувчи омил диндир. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, унинг олий ҳайъати, уламолар, имом-хатиблар, барча мўъмин-мусулмонлар давлатимиз ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватламоқдалар, ислоҳотларни амалга ошириш учун кўмаклашмоқдалар.

Учта авлод собиқ совет даврида яшади. Ҳаётимизда эски замоннинг таъсири ҳали ҳам бор. Дунёқарашни, тафаккурни зўравонлик билан ўзгартириб бўлмайди. Янги, соғлом авлодни ўстириб вояга етказяпмиз. Янги авлоднинг қонида, суягида эскича қарашлар йўқ. Умидимиз ана шу ёшлардан. Биз ҳуқуқий, демократик жамият қураяпмиз. Жамиятимиз аъзолари — ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб олиши, ўзини ҳимоя қила билиши керак.

Учрашувда тилга олинган одамларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш борасидаги қимматли фикрларни алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Чўлда ўрмалаб юрган жониворлар ҳам туғилишиданоқ ўз маконларини биладилар. Ҳаводаги қушлар ҳам, денгиз ва дарёлардаги балиқлар ҳам ўз ошёнларини ҳис қиладилар. Одамлар ҳам қаерда туғилиб, парвариш топсалар, ўша жойга чексиз меҳр қўядилар. Ватанпарвар фидойи инсон она юрт камолоти йўлида ҳалол ва самарали меҳнат қилувчи, ундан билими, бор тажрибаси, куч-қуввати, ҳатто жонини аямайдиган инсондир. Кимдаки ўз юртига меҳри бўлмаса, у бегумон қалбан шикастадир. Ҳамиятсиз одамларгина ватан туйғусининг гўзал ва юксаклигини ҳис этолмайдилар.

Бизнинг мамлакатимиздан бўлак жаннатмакон масканлар, турли мамлакат ва ўлкалар кўп. Аммо бизга ҳаёт бағишлаб, оқ ювиб, оқ тараган онамиз каби Ватанимиз ҳам ягонадир. Унга Аллоҳдан барокат, фаровонлик, тинчлик тилаб дуога қўл очамиз. Бисотимизда нимаики бўлса, барчасини келтириб унинг меҳробига қўямиз.

Жондан азиз Ўзбекистонимиз бизни кўпроқ ўзининг буюк келажаги билан мафтун қилади. Ҳудди шунинг учун ҳам она Ватан равнақи учун хизмат қилишни истаймиз.

Мустақилликка эришганимизга эндигина олти йилдан ошди. Шу қисқа давр ичида қанча улкан муваффақиятларга эришдик? Ҳозир бутун Ўзбекистон қурилиш майдонига айлантирилган. Янги турар жойлар, маданий-маиший иншоотлар, саноат марказлари, равон йўллар қуриляпти. Бозорлар, боғ-роғлар бунёд этиляпти. Буларнинг ҳаммасини ўз кучимиз билан, ўз маблағимизга қуряпмиз.

Юздан ортиқ давлат билан иқтисодий, маданий алоқаларни йўлга қўйганмиз. Тошкентда юзлаб давлатларнинг элчихоналари фаолият кўрсатмоқда, бир қатор халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари ишлаб турибди. Ватандошларимиз учун икки дунё бир қадам бўлиб қолди. Бу ҳайратомуз ўзгаришлар ота-боболаримизнинг етти ухлаб тушига кирмаган. Шундай Ватаннинг фарзанди бўлиш улуғ бахт. Президентимизнинг чет эллик ҳамкасбларим билан ўтказган суҳбатларини кузатиб, дилимдан шуларни ҳис этдим.

Анвар КАРИМОВ.

Чиноз пахта тозалаш заводида бу йилги "оқ олтин" ҳосилини қайта ишлаш жараёни жадал олиб борилмоқда. СУРАТДА: корхона ишлаб чиқариш участкаларининг бирида.

Абдужалол РАҲИМОВ олган сурат.

ГАНЧ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

АНГРЕНДАГИ "Кулол" ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари ишлаб чиқариш суръатларини ой сайин оширмоқдалар. Қатор янги техника воситаларини жорий қилиш, илғор иш усулларини қўлланиш ҳамда ҳар бир ходимнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини ошириш шунга олиб келмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида қурилиш ташкилотлари ва савдо шахобчаларига 2403 та сантехника жиҳозлари тўплами етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тўрт баравар кўпдир.

Айни вақтда корхонада бозори чаққон янги биноқорлик материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Яқиндан бошлаб ганч тайёрлаш ўзлаштирилди. Ҳиссадорлик жамиятининг бу маҳсулоти қурилишдан ташқари тиббиётда ҳам қўлланилиши мумкин.

Машкура ЗОҲИДОВА.

«Табиат ва инсон» почтасидан

ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

МАЙДОНЛАР, хиёбонлар кўчалар четида чиқиндилар ва уй-рўзғор супуриндиларининг йиғилиб қолишига қарши кураш, ҳавони тозалашга беминнат ёрдам берадиган дарахтларга зиён етказилишига йўл қўймаслик Ангрен ҳудудий табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолган.

Биргина ўтган ойда ўтказилган текширишлар натижасида қатор номаъқулчиликлар аниқланди. Қўмита нозирлари шаҳар кўчаларида, хиёбонлар ва боғларида мол боқиш ҳолларига дуч келишди. Чорва ўт-ўланлар қатори экиб парвариш қилинаётган манзарали буталар, дарахтларга ҳам зарар келтирган. Шундай бебошликка йўл қўйган фуқароларга нисбатан турли жазо чоралари кўрилди. Жумладан, уларнинг олти нафарига ҳужжатлар расмийлаштирилиб, шаҳар прокурорлигига ўтказилди. Айбдорлардан етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун товон ундириб олинди.

Ишлаб чиқариш чиқиндилари ва ахлатлар ташланадиган жой бўлишига қарамай уларни дуч келган ерга тўкиб кетиш ҳоллари ҳали барҳам топгани йўқ. Нозирлар унга қарши қатъий курашмоқдалар. Вақти-вақти билан жамоатчилик вакиллари иштирокида шаҳар бўйлаб текширишлар уюштириб турадилар. Деярли ҳар гал нуқсонларни топиб, айбдорлар қилмишларига яраша жазоланмоқда. Ўтган ойда олти нафар мансабдор шахс ва бир неча нафар фуқаролар айбларига яраша маъмурий жавобгарликка тортилдилар ва тегишли қонун моддалари бўйича жарима тўлашга мажбур бўлдилар.

Шаҳарда "Тоза ҳаво" тадбири фаоллик билан олиб борилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш нозирлари барча автотранспорт воситаларини ҳавога ис-тутун гази чиқаришининг меъёрида бўлишига эришиш учун мунтазам текширишлар ўтказмоқдалар. Очиқ турдаги "Ангрен автотранспорт корхонаси" ҳиссадорлик жамиятининг дизель ёнилғиси асосида ишлаётган автобуслари текширилганда уларни деярли ярми давлат мезони талабига жавоб бермаслиги маълум бўлди.

Уларнинг ҳавога чиқараётган зарарли гази меъёрдагидан анча кўп эди. Бундай автобуслар йўналишга чиқарилишига йўл қўйган корхона раҳбарига 1500 сўм жарима солинди. Ўзлари бошқараётган автобусларни ёнилғи ёнадиган аппаратлари носоз ҳолда ишлаётган ҳайдовчилар ҳам жазоланди. 105 нафар шундай ҳайдовчидан 31 минг сўм жарима ундириб олинди ва маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказилди.

Ҳамид МАҲМУДОВ.

ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

ЁШЛАРДА табиатга асраб-авайлаб муносабатда бўлиш кўникмаларини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир. "Экосан" халқаро жамғармасининг Паркент туманидаги бўлими ҳам бу муҳим ишда тобора фаол иштирок этмоқда. Айниқса, мактаб ўқувчиларида экологик дунёқарашни шакллантиришга ҳизмат қилувчи тадбирлар тобора кенг амалга оширилмоқда.

Бўлим ташкил этилган 1995 йилдан бери ҳар йили талабалар ўртасида "Табиат ва биз" кўрик-танлови ўтказилмоқда. Эндиликда бу яхши анъана бўлиб қолди. Унда тумандаги деярли барча мактаб ўқувчилари мунтазам қатнашмоқдалар.

Экология кўрик-танлови ўтказиш жараёнида асосий эътибор фарзандларимизнинг табиатга ихлос қилиш фазилатларини тарбиялашга, табиий доривор ўсимликларни ва уларни табобат оламида фойдаланишни ўргатиш, замонавий компьютер техникасини мукаммал эгаллаш ва бошқа шу каби кўникмаларни шакллантиришга қаратилмоқда. Бундан ташқари, биз болаларни табиатга оид фанлар доирасида турли бошқотирмалар тайёрлашга жалб қилдик, бу эса ўз навбатида фанларни мукаммал ўзлаштиришга ёрдам бермоқда. Ўтказилаётган тадбирлар туманимизда бевосита табиатни ўрганиш билан шуғулланаётган Угам — Чоткол биосфера қўриқхонаси, ўрмон хўжалиги, тажриба-мелиоратив станцияси, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва "ЭКОСАН" ташкилотларининг асосий вазифалари ва мақсадларини ўрганишга ҳам қаратилган. Ўтган ва бу йилги кўрик-танловда мукофотли ўринларни эгаллаган мактабларга бериладиган совға-саломлар 50 минг сўмни ташкил этди. Бундан ташқари туманда фаолият кўрсатаётган бошқа қатор ташкилотлар ҳам уларни рағбатлантиришга жалб қилинмоқда.

Мактаб ўқувчиларини табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш мақсадида бошқа тадбирлар ҳам кўрилмоқда. Улар ўртасида "Экосан" отрядлари тузиляпти, ҳар бир боланинг ўз дарахти бўлишини ташкил этганмиз. Кўрик-танлов жараёнида иқтидорли ўқувчилар танлаб борилаяпти. Янги ўқув йилидан бошлаб шу иқтидорли талабалар иштирокида табиатдаги ўсимликларни, меваларни ўрганиб улардан табобат оламида фойдаланиш усуллари ўқитилади.

И. ТЎЛАЕВ,
туман «Экосан» жамғармаси раиси.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

РИГА. Латвия пойтахтида "Болтиқбўйи минтақаси хавфсизлиги ва барқарорлиги" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда турли мамлакатлардан келган 400 дан ортиқ сиёсатчилар, халқаро кузатувчилар ҳамда НАТО ва Европа иттифоқи вакиллари иштирок этди.

Конференцияда Болтиқбўйи минтақаси хавфсизлиги ва барқарорлиги масалалари билан бир вақтда минтақанинг сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий аҳволи ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

* * *

БОНН. Европа иттифоқи Германиядаги босниялик қочқинларни ўз ватанига қайтариш ва уларга турар-жой қуриш учун 57 миллион Германия маркаси миқдорида кредит ажратди.

Германия қочоқлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Дитмар Шлей берган маълумотга қараганда, ҳозирги кунда Германияда 250 мингга яқин босниялик қочқин яшамоқда. Шу йил охиригача 100 мингдан ортиқ қочқин ўз ватанига қайтарилиб, бошпана билан таъминланади.

* * *

АР-РИЁД. Саудия Арабистони қироли Абул Фахд Жанубий Африка Республикаси Президенти Нелсон Мандела билан учрашди. Учрашувда асосан икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ҳамда Яқин Шарқ минтақасидаги сиёсий вазиятни барқарорлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, мулоқот сўнгида икки мамлакат раҳбарлари бир неча ҳукуматлараро ҳужжатни имзолади.

БУДАПЕШТ. Венгрияда мамлакатнинг НАТОга қабул қилиниши муносабати билан умумхалқ референдуми ўтказилди. Референдум натижаларига кўра, иштирокчиларнинг 85 фоизи Венгриянинг НАТОга қабул қилинишини қўллаб-қувватлаган.

Референдумнинг муваффақиятли ўтгани мамлакатнинг НАТОга қабул қилинишини янада тезлаштиради, деб таъкидлади Венгрия ҳукумати раҳбари Дюла Хорн матбуот анжуманида.

(ЎзА).

ОНА БЎЛИШ БАХТИ

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Акушерлик ва гинекология илмий-текшириш институти директори Саид Султонов билан суҳбат кўпчилик опа-сингиллар учун қизиқарли, ҳам фойдали бўлишига шубҳа қилмадик. Чунки ушбу даргоҳда қанчадан-қанча қайғулар шодликка айланган, қанча эгилган бошлар кўтарилган, юзлаб куйган дилларга энг эзгу ниятларнинг ушалиши малҳам бўлган...

Мен ўша куни унинг қабулига кириш учун навбат кутар эканман мамлакатимизнинг турли бурчакларидан умид билан келган бир қатор беморлар билан суҳбатлашдим. "Саид ака, ниҳоят мен ҳам она бўламан" дея ҳаяжонланганидан севинч ёшлари тўкилаётган, она бўлишдек бахт бўсағасида, қанча таъна гаплар, қийинчиликлар орқада қолганига ишонқирамай турган, келгусида ҳомиланинг мўътадил ўсиши учун маслаҳат сўраш илинжида келган аёлни босиқлик билан қабул қилаётганини қия очиқ эшикдан кузатиб турдим. Ҳавасим келди.

У кишига мақсадимни айтдим.

— Саид Носирович, сўнги йилларда тиббиёт соҳасида кенг ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу борада сиз бошқараётган ушбу шифо масканида қандай янгиликлар юз берди?

— Мустақиллик йилларида республикамизнинг барча соҳаларида бўлгани каби тиббиёт тизимида ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Албатта, бизнинг институт ходимлари ҳам бор имкониятларини ишга солиб меҳнат қилмоқдалар. Мамлакатимизда ягона ҳисобланган институтимизнинг асосий вазифаси аҳолига малакали акушер-гинекологик тиббий хизмат кўрсатиш, республикамиздаги тиббий муассасаларга услубий йўлланма бериш, акушер-гинекологларнинг малакасини ошириш, илмий-тадқиқот ишлари олиб боришдан иборат. Институт қошида поликлиника, туғруқ, гинекология, эндокринология, клиник диагностика ва лаборатория бўлимлари мавжуд. Маълумки институтимиз Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Чет мамлакатлар институтлари ва фирмалари билан алоқалар яхши йўлга қўйилганлиги сабабли қатор ютуқларни қўлга киритдик. Институтда янги бўлимлар ташкил этилди, барчаси замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Беморларни даволашда илғор мамлакатлар иш тажрибаларидан ўрганиб, замонавий усуллардан фойдаланилмоқда. Институтимизда Медлайнд дастури асосида ишлайдиган компьютерлар шифокорлар ишини енгил қиляпти. Бу дастурга кўра илмгоҳимизнинг ҳар бир ходими бир неча дақиқа ичида маълум бир мавзу ёки савол бўйича ер шарининг турли нуқталарида нашр этилган адабиётлар, турли қўлланмалар ёки мақолалар тўпламига эга бўлишлари, яна шуниси эътиборлики барча маълумотларнинг таржимасини олиши мумкин. Институтимизда олиб бориладиган барча жарроҳлик операцияларини видеозалга ўрнатилган "Эпсон" проектори орқали кузатиш имконига эга бўлдик. Бу янгиликнинг ижобий томони шундаки мураккаб жарроҳлик операцияларини профессор, клиник ординатор кузатиб бориши ҳамда ўз вақтида керакли маслаҳатларини ҳам бера олишлари мумкин. Бу аспирантлар, талабалар ва янги ишга келганлар учун катта тажриба мактаби бўлиб хизмат қилади.

— Янги ташкил этилган бўлимлар ва уларнинг фаолияти ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Институтимизга юқорида санаб ўтилган бўлимлардан ташқари болалар ва ўсмирлар гинекологияси бўлими қўшилди. Баъзан кечагина тўйи бўлиб ўтган келинчак турли оғриқлардан шикоят қилиб аёллар шифохонасига мурожаат этади. Шифокор уни синчиклаб кўриб танасида, яъни жинсий аъзоларида шамоллаш борлигини айтади. Келинчак ҳайрон! Қачон шамоллади у? Ваҳоланки, қизлик пайтларидаёқ шамоллаб қолган ва буни ўзида сезмай юраверган. Қиз болалар балоғат ёшида бўлишсада, кўпинча ўз соғлиқларига кўпам эътибор бераверишмайди. Ёки бўлмаса келинчак ҳомиладор бўлиши биланоқ турли касалликларга чалина бошлайди. Қон босими ошиб кетади ёки тана аъзоларидаги турли ҳасталиклар безовта қилади. Кўпчилик ҳомиладор аёлларни камқонлик касаллиги безовта қилади. Янаям ачинарлиси баъзи ёш оилаларни бефарзандлик дарди азоблайди. Бу кўнгилсизликларнинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун қизларни турмушга чиқмасдан, янада аниқроқ айтсак 5—6 ва 7—синфларданоқ тиббий кўрикдан ўтказиб туриш керак. Янги ташкил этилган бўлимнинг асосий вазифаси республикамиз бўйлаб мактабларда ўқувчи қизларни гинекологик кўрикдан ўтказиб, лозим топилса қизларимизга тиббий ёрдам кўрсатишдан иборат.

"Оила ва турмуш" деб аталувчи республика аҳамиятидаги маслаҳат-поликлиника ҳам институтнинг муҳим бўлими ҳисобланади. Бу ерда барча гинекологик касалликлар аниқланиб даволанади. Шунингдек Медикагенетика бўлими ташкил этилган бўлиб, унда бепуштлик, ногирон фарзандлар туғилиши сабаблари ва уларнинг олдини олиш билан шуғулланилади. Бу бўлимларда малакали мутахассислар бефарзанд, чала туғадиган, эндокрин касалликларига чалинган аёлларни даволайдилар. Акушер-гинекологлар, андрологлар, эндокринологлар, сексопатолог ва генетиклар маслаҳат сўраб келган беморларни қабул қиладилар. Эркак ва аёлларнинг генератив функцияси ҳар томонлама ўрганилиб, уларга оила-никоҳ муносабатларини яхши билмасликлари натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган дисгармонияни бартараф этиш юзасидан кенг қамровли маслаҳатлар, тавсиялар берилади.

Соғлом авлод учун

Медикагенетика ва бошқа бўлимларда ҳомила то туғилгунга қадар шифокор назорати остида бўлади. Ультрааппаратлар орқали ҳомиланинг қандай ривожланаётгани кузатиб борилади. Тўғри, ногирон чақалоқлар туғилмайди эмас, туғилади. Бироқ уларни ҳам мумкин қадар соғайтиришга эътибор берамиз.

Илгари пайтларда фарзанд кўрмасликка асосан аёллар сабаб бўлади, деб ҳисоблашарди. Шундан келиб чиқиб фақат аёллар текшириб даволанган. Бироқ, кейинчалик маълум бўлишича бефарзандлик сабабларининг тахминан ярмига яқинида эркаклар айбдор бўлар эканлар. Бугунги кунда шифохонамизнинг поликлиникасида эркаклар учун андролог, уролог, сексопатологлар иш олиб бормоқда.

— Сизнинг мақсадингиз, умрингизнинг мазмуни — аёлларга соғлиқ, оналик бахти ато этиш. Фарзандларимизнинг соғлом туғилиши, оналик бахтининг бенуқсон бўлиши сизнингча нималарга боғлиқ?

— Кўп йиллик илмий кузатишлар шуни кўрсатадики, қизлар ва йигитлар деярли 20 ёшдан кейингина анатомик ва физиологик жиҳатдан бутунлай камолотга етадилар. Шунинг учун ҳам қизлар 20—22 ёшда, йигитлар 23—25 ёшда турмуш қуришлари мақсадга мувофиқдир. Келин-куёв орасидаги фарқ 3—6 ёшгача бўлгани маъқул. Мана шу турмуш қуришган ёшдан то 35 ёшга қадар организмнинг энг навқирон пайти ҳисобланади. Ҳар қалай аёл киши анча кучга тўлган соғлом пайтининг аҳамияти каттадир. Организм қанча ёш бўлса, унинг турли касалларга қарши курашиш қобилияти кучли бўлади.

Ҳар бир қурилаётган оила бахтли бўлиши учун аввало никоҳланувчилар соғлом бўлиши керак. Шунингдек, соғлом турмушни издан чиқарадиган ва ирсий касалликларга сабабчи бўладиган салбий урф одатлардан бири қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳдир. Биз шифокорларга маълумки, асосан фарзандсизлик, фарзанд бўлганда ҳам унинг туғма нуқсонлар билан туғилиши ҳам яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларда кузатилади.

Шифокорлар оналар соғлиғи, туғилажак гўдаклар келажагини назарда тутиб туғруқлар орасидаги муддатни уч йилга етказиш, шу орада она саломатлигини тиклашга ва болалар тарбияси билан шуғулланишга имкон яратиш тадбирларини ишлаб чиқди. Бунда аёллар саломатлигини йўқотмайди, болалари ҳам эътиборда соғлом ўсади.

— Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Институтнинг бу борадаги ҳиссаси тўғрисида фикр билдирсангиз.

— Институтимиз ўн йилдан буён юқорида айтганимдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорлик қилиб келади. Шифохонамизда кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган малакали шифокорлар фаолият кўрсатади. Олим ва мутахассисларимизнинг фандаги эришаётган ютуқлари Ўзбекистон Республикасининг тиббиёт институтлари, ўқув юртларида амалда қўлланилмоқда. Шунинг билан биргаликда илм даргоҳининг компьютерлашгани муносабати билан Америка ва Исроилдан тест саволлари олиб, шифокорларимизни ҳар чоракда аттестациядан ўтказиб боряпмиз. Бу эса уларнинг жаҳон табобати янгиликларини ўрганишларига, билим савияларини янада оширишларига катта ёрдам кўрсатмоқда. Олимларимиздан тиббиёт фанлари доктори, профессор Муҳтарама Содиқова, тиббиёт фанлари доктори Абдуғофур Ҳожиметов, тиббиёт фанлари номзодларидан Ҳакима Рафиқова, Собир Қурбонов, Феруза Тўлаганова, Ҳолида Аюпова ва бошқаларнинг номлари нафақат республикамизда, ҳатто чет мамлакатларда ҳам таниқли. Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия, Индонезия, Мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари билан илмий-амалий ҳамкорлик шартномалари тузилган. Тиббиёт соҳасидаги олиб борилаётган илмий ишлар, янгиликлар бўйича мунтазам равишда тажриба алмашиб турамиз. Олимларимиз Япония, Германия, Индонезия каби мамлакатлардаги халқаро симпозиум ва анжуманларда қатнашиб маърузалар ўқидилар, муҳим илмий муаммоларни ўртага қўйдилар ва илмий жамоатчиликка манзур қила олдилар.

Дония ЗОКИРОВА суҳбатлашди.

ОБУНА—98

ГАЗЕТАМИЗ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Айни кунларда республикамизда нашр этилаётган барча газета ва журналларга, жумладан, "Тошкент ҳақиқати" рўзномасига ҳам обуна қизғин давом этмоқда. Ана шундай дамларда ўқувчиларнинг газета фаолияти хусусида қандай фикрда эканликлари билан ўртоқлашиш мақсадида сизни қизиқтирган, газетамизда чоп этилаётган қайси мақолалар ўқувчиларга манзур бўлмоқда, нашрнинг ютуқ ва камчиликлари нимада, газетани янада ўқимишли қилиш учун нималарга эътибор бериш керак деган саволлар билан уларга мурожаат этдик.

Ҳабиба ШЕРОВА, Чиноз тумани ҳокими муовини:

— ГАЗЕТАНИНГ "Олий қадрият" номи билан чиқадиган махсус сони, шунингдек, "Маънавият сарчашмалари" рукнида эълон қилинаётган мақолалар ўқувчиларни бефарқ қолдирмаса керак. Иложи бўлса, ана шундай рукнларни кўпайтириш, адиб ва олимларимизнинг сара асарларини, фикр-мушоҳадаларини бериб бориш лозим, деб ўйлайман.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ, ТошДУ толиби:

— ГАЗЕТАНИНГ ҳар бир сонида "Спорт" рукни остида қизиқарли мақолалар ўқиш мумкин. Бу, албатта яхши. Чунки, спортга эътибор кучли бўлган юртда соғлом авлод вояга етади. Бу борада, Шарофиддин Умурзоқовнинг яқинда чоп этилган "Бир ҳужумчи билан ўйнаб бўладими?","Сўнгги учқун ҳам сўндими, ё...", "Майдонга тушдингми, ҳалол кураш" каби танқидий ва таҳлилий руҳда ёзилган мақолаларини мисол қилиб келтириш мумкин. Ана шу сингари мақолалар газета саҳифаларида ҳар доим чоп этиб борилса, ўйлайманки, газетанинг ўқимишлилиги янада ортган бўларди.

Хўжаназар ОРЗИҚУЛОВ, Бекобод тумани, Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси:

— "ТОШКЕНТ ҳақиқати" газетаси вилоятда ягона бўлган ижтимоий-сиёсий нашрдир. Шундай экан, газетада деҳқон фермерларнинг фаолияти, ютуқ ва камчиликлари ҳақида таҳлилий мақолалар бериб турилса, деган фикрдаман. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги бўйича тажрибали мутахассисларнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари баён этилган мақолалар ҳам ёритилса... Чунки, деҳқон меҳнатигина эл дастурхонини безайди, фаровон турмуш, тўкин-сочинлик учун замин яратади.

Зулфия СОБИРОВА, ТошДУ ходимлар бўлими ходими:

— ГОҲИДА "ялт" этиб, яхши мақола кўзга ташланиб қолади. Уни мириқиб ўқийсан, ёнатрофингдагилар билан бирга мушоҳада қиласан. Яна газетанинг кейинги сони чиқишини кутасан. Лекин, афсуски, бу сафар саҳифалардаги "жимжитлик"ка дуч келасан. Бу ҳолат нафақат "Тошкент ҳақиқати"да, балки бошқа нашрларда ҳам ҳукмрон. Газеталар халқнинг дилидаги гапини тилига чиқаришга озгина сусткашлик қилаяпти, чоғи.

Феруза ЙЎЛДОШЕВА, ишчи.

— "ТОШКЕНТ ҳақиқати" газетасининг ўзига хос ўрни, нуфузи борлигини рад этиб бўлмайди. Мен тарихга қизиқанлигим сабаблими, шу мавзудаги мақолаларга эҳтиёжим кучли. Бу борада "Тошкент ҳақиқати" мени ўзига тортиб келаяпти. Чунки бу нашр ўз саҳифаларида "Воқеалар тўлқини" рукни остида чет элларда бўлаётган янгиликларни мунтазам равишда ёртиб бораяпти. Айниқса, Анвар Каримов таржима қилган Жаваҳарлаъл Нерунинг "Ҳиндистоннинг кашф этилиши" асарини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Газетада ана шундай тарихий мавзудаги мақолаларнинг кўпайишини истардим.

Люция ВАКИЛОВА, Матбуот тарқатиш уюшмасининг Тошкент шаҳридаги 234-сонли дўкони сотувчиси:

— ДЎКОНИМИЗГА республикамизда чоп этилаётган барча нашрлар, жумладан, "Тошкент ҳақиқати" ҳам келади. Газета нархи — 7 сўм. Шахсан ўзим газета ва журналларнинг барчасини кузатиб бораман. Менинг фикрим, агар иложи бўлса, газета саҳифаларида оила, одоб, ахлоқ мавзусидаги мақолалар, шунингдек, кроссворд, мунажжим башорати (гороскоп) тез-тез эълон қилиб турилса, шубҳасиз, ўқувчилар сони кўпаяди.

***СЎНГИ СЎЗ ЎРНИДА**: Мана ўқувчиларнинг фикри билан ҳам ўртоқлашдик. Биз бундан кейин ҳам газета саҳифаларида ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ўзгаришлар, тарихимиз, миллий қадриятларимизга, спорт, маданий-маърифий жараёнларга, ҳокимлик, саноат, қишлоқ хўжалигига оид мақолалар учун кенг ўрин бериб борамиз.*

Шунингдек, сиз азиз ўқувчилар ҳар жабҳадаги сўнгги янгиликлар, хориждаги энг муҳим воқеалар баён қилинган материалларни ҳам мунтазам равишда ўқиб борасизлар. Янги йилдан яна бир қатор янги рукнлар очиш ҳам мўлжалланмоқда. Хуллас, "Тошкент ҳақиқати" таҳририяти газетани бундан кейин янада ўқимишли ва мазмундор қилишга астойдил бел боғлаган.

Шундай экан, "Тошкент ҳақиқати" газетасига обуна бўлишга шошилинг!

Рўзибой АЗИМИЙ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ га обуна бўлинг!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Мамлакатимизда 1998 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна давом этмоқда.
Ҳар йилгидек бу йил ҳам газетамиз Сизнинг энг яқин маслаҳатдошингиз, ҳамроҳингиз бўлиб қолишига ишонамиз.
Дарвоқе, эслатиб ўтамиз: «Тошкент ҳақиқати»га обуна нархи бошқа газеталарга нисбатан бирмунча арзон.

Бизнинг нашр кўрсаткичимиз: якка обуначилар учун: 205, ташкилотлар учун: 206

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ёзилинг!

УЧ ДУРДОНА

2. БУХОРО ОБИДАЛАРИ: 1000 ВА 430

Халқлар тилида улуғланиб, тарих, айниқса, мусулмон дунёси олдидаги хизматлари эвазига Бухорои шариф деб аталмиш, куни кеча 25 асрлик тўйи халқаро миқёсда катта тантаналар билан нишонланган бу шаҳар ҳақидаги таассуротларимизни шу рақамлар билан бошлашимизнинг сабаби бор. Бу рақамлар оддий эмас. Уларнинг тагида олам-олам маъно бор.

Бухоро вилоятида асрлар синовидан ўтиб ҳозиргача етиб келган зиёратгоҳлар сони биринчи рақамга деярли яқинлашиб қолади. Иккинчиси фақат шаҳардаги қадамжолар нечталигини кўрсатади. Энди кўз олдингизга келтириб кўринг: қайси қитъада, қайси мамлакатда шунча обидаларга эга шаҳар бор!? Ҳеч қаерда йўқ, деб бемалол айтиш мумкин. Бу Бухоронинг ниҳоятда кўҳналигидан, ноёб тарихга, ўтмишга эгалигидан, мустақил давлатда келажаги янада порлоқ бўлишлигидан дарак беради. Неча бор қирғин-баротларда қолиб кетган, турли-туман босқинчиларнинг дастидан бир неча марта тупроқ билан қоришиб, яна бағрини тиклаганлиги, жойлашган ҳудудини ўзгартирмаганлиги ҳам бунда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

"Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси, — деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида, — элюртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчилик салоҳиятидан, юксак тараққиёт, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради".

Шаҳар, айниқса, темурийлар замонида гуллаб яшнади. Жаҳон майдонида мўътабар шаҳарлардан бири даражасига кўтарилди, ҳам илмий, ҳам диний марказ сифатида донг таратди. Айни вақтда меъморчилик обидалари, масжиду мадрасалари, савдо ва ҳунармандчилик тимлари, ҳовузларию майдонлари билан машҳур бўлиб кетди. Ҳозир шаҳарнинг қайси бурчагига бормайг, қайси кўчаси ва майдонида бўлманг, албатта, неча асрлик тарихдан сўз очувчи обидаларга дуч келасиз.

Шаҳарни зиёрат қилишни ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандий мақбарасидан бошлаш анъана бўлиб қолган. Биз ҳам шунга амал қилиб, аввало бу зотнинг волидаи мухтарамалари қабрида бўлдик, сўнгра ул кишининг қабрини зиёрат қилдик. Уларнинг руҳига бир калима қуръон бағишладик. Баҳоуддин Нақшбандийнинг асли исми-шарифлари Муҳаммад ибн Жалолиддин бўлган. Улар ўз даврида нақшбандлик билан шуғулланганлар, шу туфайли Нақшбандий деб ном олганлар. Шу майдондаги катта ҳовуз атрофида танасига қулочингиз ҳам етмайдиган бир қанча тут дарахтлари бор. Уларнинг бирини Баҳоуддин Нақшбандийнинг падари бузруквор лари ўтқазган эканлар. Неча асрлардан бери кўкариб турган бу тут бундан бир неча йил илгари қуриб қолипти. Ҳозир танаси ерда ётипти. Зиёратчилар уни бармоқлари билан силаб, кўзга суртмоқдалар.

Сафар таассуротлари

Бухорода Сомонийлар салтанати ҳукм сурганда шаҳар ҳар томонлама ривожланди, атрофига девор олинди, кўплаб савдо расталардан қурилган ва ҳунармандчилик ривожланган. Айниқса, бу сулола вакили Исмоил Сомоний шоҳлик қилган вақтда у фан ва маданиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор берган, бу соҳалар юксалишига ғамхўрлик қилган. Унинг даврида адабиёт ва фан соҳасида буюк алломалар етишиб чиққанлар.

IX аср охирлари ва X аср бошларида барпо этилган Исмоил Сомоний мақбараси ўзининг ноёблиги, бутун оламда ўхшаши йўқлиги билан, айни вақтда қадимийлиги билан эътиборни жалб қилади. У пишиқ ғиштдан терилган. Бу ерда ғишт теришнинг 18 усули қўлланилган. Деворларининг қалинлиги пойдеворда икки метрга боради. Шифти жуда баланд — 10 метрга келади. У ёнатрофидаги осмонўпар мадрасаю мақбаралар олдида кичик кўринса ҳам меъморчилигимизнинг бетакрор, ажойиб намунаси сифатида тенги йўқ. Ғиштларини теришда тухумнинг оқи, туя сути қўшиб тайёрланган қоришмалар ишлатилган. У ташқи томонданги-на эмас, балки ички томондан ҳам об-ҳавога қараб турлича порлаб турган.

Қуёш нурида ички қисм бамисоли кумуш билан қоплангандек туюлади, тўлин ой пайтида эса яна бошқача товланади.

Исмоил Сомоний мақбараси ўзи барпо этилган даврда ҳам жуда ардоқли зиёратгоҳ бўлган, кейинги асрларда ҳам унга эътибор ортса ортган, лекин сусаймаган. Чингизхон бостириб келаётганидан хабардор бўлган маҳаллий аҳоли уни сақлаб қолиш йўлларини қидирган. Бошқа обидалар ҳақида бундай қайғурилмаганлиги ҳам бу мақбара ўша вақтда ҳам ниҳоятда ардоқли эканлигини кўрсатади. Халқ унинг устига қумдан тепалик пайдо қилади. Шу йўл билан у сақланиб қолади. Орадан бир неча аср ўтгач уни топиш учун атроф-теваракда тупроқ қазиш ишлари бошлаб юборилади. Ва ниҳоят 1930 йилда у устини қоплаб ётган қум тепалигидан "озод" қилинади. Минг йилдан бери нурамай, путурдан кетмай, асл холича, айтарлик таъмирлашларсиз турган бу бино чет эллик сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Албатта бу тарихий обида халқимиз ўтмишидаги меъморчилик санъатининг такрорланмас намунаси сифатида авлодлар учун сақланади.

Қадимги вақтларда сунъий сув ҳавзалари — сардобалар шаҳар ҳудудида кўп бўлган. Уларнинг усти гумбаз билан ёпилган бўлиб, ёмғир ва эриган қор сувлари атрофдан шу ҳовузларга оқиб тушиб тўпланган. Халқ ундан ичимлик сув сифатида фойдаланган. Сувнинг тоза сақланишига эътибор берилган, ҳамма уни муқаддас деб билган ва ифлосланишига йўл қўйилмаган.

Бухородаги обидалар ҳақида гапирилганда, Минораи Калон, Масжиди Калон, Мир Араб мадрасаси, Улуғбек мадрасаси ва бошқа зиёратгоҳларни ҳам тилга олмаса бўлмайди. Амирларнинг қишки ва ёзги саройлари ҳам ҳашамдор, хайратомуздир. Минораи Калон бундан роппа-роса 870 йил илгари бунёд этилган. Баландлиги 47 метр, айланаси 10 метр бўлиб, ғиштини теришда ўн тўрт хил усул ишлатилган. Унинг устидан туриб Бухоро чегаралари кузатилган, у карвонлар учун йўл кўрсатувчи ролини ўйнаган. Минора шунча асрлардан бери мустаҳкам турибди. Масжиди Калоннинг ҳам ўз тарихи бор. У XII асрда қурилган. Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан тўла таъмирдан чиқарилгач, янада кўркамлик касб этди. Шу байрам муносабати билан тантаналарнинг асосий қисми бу ерда бўлиб ўтди. Унда ҳозир жума номози ўқиляпти. Бу масжидга 15 минг, хайитлардаги номозда 20 мингдан ортиқ одам келади.

Мир Араб мадрасаси ҳам салобатлиги билан ажралиб туради. Бу ерда диний фанлар қатори дунёвий фанлардан таълим берилган. Ёғоч ўймакорлиги санъатининг ёрқин маҳсули бўлган дарвозаси пештоқига Қуръони каримдан олинган 44 та сура ёзилган. Улуғбек умри давомида ҳаммаси бўлиб учта мадраса қурдирган. Уларнинг биттаси Бухорои Шарифдадир. 1417 йилда барпо этилган бу мадраса дарвозасига "Илм олмоққа интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарздир" деган сўзлар ўйиб ёзилганки, унда жуда катта маъно мужассамдир.

Лаби-ховуз меъморий мажмуаси ҳам бетакрордир. Бу ердаги мадрасалару масжидлар ва бошқа бинолар ҳам бир-бирига ўхшамайди, кўп томонлари билан фарқ қилади. Айниқса, донишманд ва болаларча содда, ўткир сўз устаси Насриддин шарафига ўрнатилган ҳайкал шу мажмуани янада бойитган. У ўзининг ажралмас "дўсти" — эшак устида сизга айёрона боқиб турипти. Шунинг ўзи кишига қандайдир енгил кайфият бахш этади.

Бухоро обидалари... улар ҳақида жуда кўп гапириш мумкин, лекин бари бир ҳикоянгизни охирига етказолмайсиз. Ҳеч шубҳа йўқки, келажак авлодларимиз ҳам биз каби Бухорога, унинг воқеаларига бой қадимий тарихига қайта-қайта мурожаат қиладилар. Қисқаси, шаҳарнинг қаерида бўлмайлик халқимиз меъморчилигининг кўз-кўз қилишга арзигулик ноёб намуналари бўлган қадимий обидалар мустақиллик шарофати билан асл шаклига келтирилаётганининг, янада гўзал ва кўркам қилиб тикланаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Шаҳарнинг қутлуғ санаси олдидан бошланган таъмирлаш ишлари ҳамон кенг кўламда давом этмоқда. Демак шаҳар янада чирой очади, сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилади, улар олдида ўзининг музей шаҳар эканлигини тағин ҳам ёрқинроқ намоён этади.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ. Тошкент-Хива-Бухоро-Самарқанд-Тошкент.



Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбараси доим зиёратчилар билан гавжум бўлади. Бу ерга келган ҳар бир кексаю-ёш бошқа ёдгорликлар қатори бу катта дошқозонни ҳам ҳайратланиб томоша қиладилар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Об-ҳаво

Саҳоватли кузнинг тароватли ва шукуҳли дамлари ўлкамизни ҳали тарк этганича йўқ.

Республика Об-ҳавони кузатиш бош бошқармаси хабарига кўра 19-23 ноябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳавонинг мўътадил келиши кутилмоқда.

Ҳарорат кечалари -2+3 даража илиқликдан +3+8 даражагача, кундуз кунлари 9-14 даража илиқликдан 16-21 даражагача иссиқ бўлиши кутилади.

СПОРТ

Бунақаси кам бўлади

ДАРВОЗАБОНСИЗ ЎЙИН

ДАРВОЗАБОНСИЗ ўйнаб бўладими, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз. "Дўстлик" жамоасининг асосий "қўриқчи"си Герман Безденежних жигар касаллигидан даволанмоқда, унинг ўринбосари Евгений Сафонов "Нефтчи" билан бўлган учрашувда жароҳат олди, ҳозирда оёғи гипсда. Бухородаги мавсумнинг сўнгги учрашувида "Дўстлик" дарвозасини вилоятимизнинг бошқа жамоаси — "Металлург" ўйинчисиЭ. Абдурахмонов ҳимоя қилди. "Патакор" билан бўладиган ярим финал учрашувда ҳам Э. Абдурахмоновнинг "шатак"ка келиши мўлжалланганди. Бироқ... Майдонга умрида дарвозабон сифатида тушмаган ҳимоячи Сардор Шарипов ўйнашга мажбур бўлди. Ўйин бошланиши биланоқ "Пахтакор"чилар ҳисобни очишди. Мурод Отажоновнинг дарвоза бурчагига йўллаган жўнгина тўпини Сарвар қайтариб қололмади. Вазиятни тўғри баҳолаган "Пахтакор"чилар дуч келган масофадан "Дўстлик" дарвозасини "ўққа" тута бошладилар. "Дўстлик" эса рақиб хужумчиларини имкони борича жарима майдонига яқинлаштирмаслик, ҳимояда ўта ҳушёрлик билан ўйнашлари лозим эди. Фарид Хабибуллин ва Олим Шокировлар икки дақиқа оралатиб, "Пахтакор"чилар дарвозасига кетма-кет иккита тўп киритишган ҳам эдики, бекоботдлик Э. Абдурахмонов етиб келди. Дарвозабонни зудлик билан алмаштиришга уринишди. Бироқ, жамоа мураббийлари хатоси туфайли бунинг имкони бўлмади. Учрашувдан олдин тўлдириладиган қайдномада Э. Абдурахмонов фамилияси кўрсатилмаган эди. Мутасадди раҳбарлар ҳам масъулиятни зиммаларига олиш ўрнига "тартиб-интизом"га риоя қилишни афзал кўрдилар.

Биринчи бўлим тугаши олдидан Азамат Абдураимов ҳисобни тенглаштирди. Миржалол Қосимов эса жарима тўпи билан ҳисобни 3:2га етказди. Иккинчи бўлимда шу ҳисоб ўзгармай қолди.

Наманганда "Навбаҳор" билан "Нефтчи" ўртасидаги учрашув 2:2 ҳисобида дуранг бўлиб тугади.

Жавоб учрашувлари 21 ноябрда бўлади.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.

ОМОНАТ УЯ

МУСИЧА сўридаги инида ўтирволиб, айвон пештоқига ин қураётган қалдирғочга писанда қилди: — Ин қуриш шунчалар азобми?! Узоқлардан эринмай битталаб лой таший бериб озиб кетибсан-а.

— Ўз эҳтиётингни қилавер, — деди қалдирғоч мусичанинг омонат инидан хавотирланиб, — менга эса ачинма.

Бир кун қалдирғоч битган инида ётаркан, мусичанинг инига кўзи тушди. Иннинг хасчўплари сийраккина. Эти қизил-жиш бир боласи оғзини очиб, овқат истайди. Инидан тушиб кетай деб турибди. Сўри тагига қараса ерга тушиб кетган чалажон битта боласини чумолилар талаб ётибди. Беғам она эса қўшни ҳовлида емиш излаш билан овора.

Енгил-елпи иш маҳсули — ташвиш.

Халоллик берар тинчлик, оройиш.

СУЯНЧИҚ

ДАРАХТ кўп йил яшаб қаригач, баҳорги шамолга дош беролмай, йиқилди.

— Олдимда тўғаноқ бўлиб турувди, қутилдим-а, энди роса яйрайдиган бўлдим, — деди йиқилган дарахтнинг илдизидан ўсиб чиққан ниҳол.

Хиёл вақт ўтгач шамол ниҳолга ҳамла қилди. Бўшбаёв ниҳол ўзини тутолмай ерга ёнбошлади. "Тўғаноқни"ни эслади: "Билмаган эканман, меҳрибонгинам, қуриганингдаям суянчиғим бўлган экансан-а!"

Митти ҳикоялар

ҚАРИ ТОЛ

ҚАРИ тол болтага даста берди. Болта бунинг эвазига тол поясини гўштни қиймалагандек шитоб билан кесабошлади. Ичи пўкиллаб турган толга бу ёқмади. "Болтани қўлласаму, наҳотки менга азоб берса?"

Тол кетмонга даста берди. Кетмон дарҳол ариқ очиб, толни сувга қондирди. Тол гуркираб ўсаркан, кетмондан бир умр мамнун бўлди. "Барака топ, жонимга малҳам бўлдинг".

Баъзилар яхшиликка ёмонлик, баъзилар бор, яхшиликка яхшилик қайтаришади.

ТИЙИБ ТУРМАСАК...

— МЕНИ қачон ўз ҳолимга қўясанлар. Доим йўлимни тўсганингиз-тўсган. Хоҳлаганимча узун бўлиб, сизнинг манфаатингизга хизмат қилсам, дейман, — деди тил тишларга.

— Биз Ақлнинг йўлйўриғи билан иш тутамиз. Арзингни ўшанга айт, — чуғурлашди тишлар.

Тил бу жавобдан ўнғайсизланиб, Ақлга "ёрилди".

— Биласанми, — дея уқдирди Ақл бир оз хушёр тортиб. — Агар сени ўз вақтида тийиб турмасак, эгамизнинг юзини шувит қилиб, элнинг назаридан қолдирасан.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

"ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ"

Республика бирлашмаси
Тошкенбой Эгамбердиев номидаги

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН

1997 йил 25 декабрь-1998 йил 11 январь кунлари
Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида
"ЦИРКДА АРЧА"
"ЖОНДИ СУВ" ЁКИ ЧИЖИК ВА ПИЖИКНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ
ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАГИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Қорбобо, Қорқиз ва эртакларнинг қаҳрамонлари,
ДАСТУРДА ЦИРК САНЪАТИНИНГ БАРЧА ЖАНРЛАРИ ВА ЎРГАТИЛГАН ҲАЙВОНЛАР ИШТИРОК ЭТАДИ.

ТОМОШАЛАР: 25, 26, 27, 28, 29 декабрь кунлари соат 10; 12, 14, 16.00 да;
31 декабрь соат 16.00 да;
1 январда соат 10.00 да
3, 4 10 январь соат 18.00 да;
11 январь соат 10, 12, 14, 16, 18.00 да БОШЛАНАДИ.
Олдиндан чипталар сотиш ташкил этилган.
10 ноябрдан бошлаб чипталарни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан харид қилиш мумкин.
КАССА СОАТ 10.00 ДАН 18.00 ГАЧА ОЧИҚ.
Маълумот олиш учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-89, 144-29-04.

Тошкент вилояти маданият ишлари бошқармаси жамоаси бошқарманинг марказлашган ҳисобхонаси бош ҳисобчиси М.А. Ганиҳўжаевага укаси
Акмалхон САЙДУМАРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги жамоаси ҳокимликнинг масъул ходими
Саидазим ШАРОФХОНОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0734. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 8.734 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6